



2025 йил 29 апрель

№ 9

Тошкент шаҳри

**Маъмурий судлар томонидан қонуний кучга кирган
суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни
тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида**

Маъмурий судлар томонидан қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш институти суд ҳужжатининг қонунийлигини текшириш билан боғлиқ муносабатларни эмас, балки янги очилган ҳолатлар суднинг ҳулосаларига таъсир қилиш-қилмаслигини текшириш мақсадида низо ҳолатини қайта баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2. Судларнинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 29-бобининг қоидаларига кўра, суд ўзи қабул қилган ҳамда қонуний кучга кирган суд ҳужжати ушбу бобда назарда тутилган асосларга кўра ва тартибда ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаларига асосан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкинлигига қаратилсин.

Қайта кўрилиши мумкин бўлган қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари деганда, суднинг ҳал қилув қарори, қарори ва ажримлари тушунилади.

3. Янги очилган ҳолатлар деганда, очилган фактик ҳолатлар аслида мавжуд бўлиб, бироқ аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, шунга кўра ишни кўриш вақтида ўрганилиши ва инobatга олиниши мумкин бўлмаган, суд ҳужжатлари қабул қилинганидан кейингина маълум бўлган ҳолатларни тушуниш лозим.

МСИЮтК 269-моддаси 1-бандининг мазмунига кўра иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатлар суд ҳужжати қабул қилинганидан сўнг вужудга келган бўлса, суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

Суд ҳужжати қабул қилинганидан кейин вужудга келган ҳолатлар судга низонинг шу предмети бўйича янги асосларга кўра ариза (шикоят) билан мурожаат этиш учун асос бўлиши мумкин.

4. МСИЮтКнинг 268-моддасига мувофиқ:

биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган суд;

апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанция суди томонидан амалга оширилади.

Агар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш ҳақидаги ариза судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда келиб тушган бўлса, ариза тегишли судга юборилиши лозим.

5. Тушунтирилсинки, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ишда иштирок этувчи шахслар, жумладан:

тарафлар (уларнинг ҳуқуқий ворислари);

суд ажрими билан ишга жалб этилган учинчи шахслар (уларнинг ҳуқуқий ворислари);

прокурор;

давлат органлари ва ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра бошқа шахслар ҳақлидирлар.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида берилади, уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади (электрон имзо қўйилади), аризага унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади (МСИЮтК 61-моддаси).

6. Қонунда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканликлари назарда тутилмаган. Шунга кўра, кўрсатилган шахслар суд ҳужжатлари устидан юқори инстанция судига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли эканликлари тушунтирилсин.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахс томонидан ариза берилганда у МСИЮтК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилиши, хатоликка йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган тақдирда эса шу асослар бўйича аризани қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Судларга тушунтирилсинки, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани суд мажлисида кўриб чиқишда мазкур иш бўйича низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қиладиган ва арз қилмайдиган учинчи шахсларни жалб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Судларнинг эътибори МСИЮтКнинг 271-моддасида суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризининг шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланганлигига қаратилсин.

Хусусан аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ариза берилаётган суднинг номи;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг номлари (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилинган сана, талаб предмети;

аризачининг фикри бўйича суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган янги очилган ҳолат ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда;

ариза бераётган шахснинг талаби;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Аризага шунингдек янги очилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари, ариза ва ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, ариза вакил томонидан имзоланган тақдирда, уни имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

8. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга аризачининг фикрига кўра суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши лозим.

Ўтказиб юборилган муддат ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома аризада суд ҳужжатини қайта кўришга асос сифатида кўрсатилган ҳолатлар очилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб тан олса, суд томонидан тикланиши мумкин (МСИЮтК 270-моддаси).

9. Судларга тушунтирилсинки, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш ҳақидаги ариза МСИЮтК 270 ва 271-моддаларида белгиланган қоидалар бузилган ҳолда, жумладан белгиланган муддат тугаганидан сўнг уни тиклаш ҳақида илтимосномасиз берилган бўлса, суд аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Бундай ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Шу билан биргаликда, ариза МСИЮтК 270 ва 271-моддалари талаблари бузилган ҳолда берилганлиги, шунингдек, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақида илтимоснома мавжуд эмаслиги асосида қайтарилганда ажримда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, ариза судга янгидан тақдим этилиши мумкин.

10. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш муддати:

МСИЮтК 269-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда – суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган иш учун муҳим ҳолатлар ҳақида аризачига маълум бўлган кундан;

МСИЮтК 269-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳолларда – суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан;

МСИЮтК 269-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда суднинг ҳукми, ажрими қонуний кучга кирган кундан;

МСИЮтК 269-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган маъмурий, иқтисодий суднинг, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича суднинг суд ҳужжатини бекор қилиш ёки бошқа орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги суд ҳужжати қонуний кучга кирган ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати уни қабул қилган органнинг ўзи ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан бекор қилинган кундан эътиборан ҳисобланиши инобатга олинishi лозим.

11. МСИЮтК 267-моддасига кўра фақат қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкинлиги сабабли, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида берилган ариза МСИЮтК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилади.

12. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш тўғрисидаги ариза унинг шакли ва мазмунига оид қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда берилган бўлса, у суднинг тегишли ажримига асосан иш юритишга қабул қилиниши лозим. Ушбу масала ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал этилади.

Аризани иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги ажримда иш бўйича янги суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилиши лозим. Ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга мазкур Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда юборилиши лозим.

13. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш тўғрисидаги ариза, у судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда суд мажлисида кўриб чиқилади. Аризанинг кўрилиши тегишли суд инстанциясида иш юритиш қоидалари бўйича МСИЮтК 29-бобининг қоидалари инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

14. Тушунтирилсинки, МСИЮтК 269-моддасида кўрсатилган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари тугал ҳисобланади ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

Агар аризада янги очилган ҳолатлар ҳақида фактик маълумотлар кўрсатилмаган ёки ариза фақатгина суд ҳужжати ноқонунийлиги ва асоссизлиги ҳақидаги вазиятга асосланган бўлса, бундай аризани қаноатлантиришга йўл қўйилмайди.

15. Суд томонидан аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

16. МСИЮтК 269-моддасининг 1-бандига асосан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар асос бўлиши мумкин.

Иш учун муҳим ҳолат сифатида суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, агар улар ҳақида маълум бўлганида бошқача қарор қабул қилинишига олиб келиши мумкин бўлган, суд хулосаларига жиддий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар тан олинishi мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан суд муҳокамаси давомида ўз талаблари ва эътирозларига асос сифатида тақдим этилмаган, суд ҳужжати қабул қилинганидан кейин тақдим этилган далиллар янги далиллар ҳисобланади ва улар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш учун асос бўла олмайди, мазкур Пленум қарори 17-бандининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

17. Тушунтирилсинки, МСИЮтК 269-моддасининг 2-бандига асосан экспертнинг бида туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг бида туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, бида туриб нотўғри таржима қилинганлиги ҳолатлари суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва улар мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса, 3-бандига асосан эса ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш учун асос бўлиши мумкин.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, экспертнинг бида туриб берган ёлғон хулосаси, гувоҳнинг бида туриб берган ёлғон кўрсатуви, атайин нотўғри

қилинган таржима, агар улар қонунга хилоф ёки асосланмаган суд ҳужжати чиқарилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжатини қайта кўришга асос бўлади (МСИЮтК 269-моддасининг 2-банди).

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакиллари, судьяларнинг ишни кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноятлари, ушбу ҳолатлар ишнинг натижасига таъсир этган-эتماганлигидан қатъи назар суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлади (МСИЮтК 269-моддасининг 3-банди).

МСИЮтК 269-моддасининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар жиноят ишини жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги, амнистия ёки афв этиш акти қабул қилиниши, айбланувчининг вафоти муносабати билан тугатиш ҳақидаги суднинг ажрими, прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг қарори билан аниқланган бўлса, улар суд томонидан иш учун муҳим аҳамиятга эга деб топилса, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўришга асос бўлиши мумкин (МСИЮтК 269-моддасининг 1-банди).

18. Қайта кўрилиши сўралган суд ҳужжатининг қабул қилинишига асос бўлган маъмурий ёки иқтисодий суднинг, фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича суднинг суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжати бекор қилиниши (ҳақиқий эмас деб топилиши), ушбу суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўришга асос бўлиши мумкин.

Бошқа органнинг ҳужжати бекор қилиниши деганда маъмурий органнинг ҳужжати уни қабул қилган органнинг ўзи, юқори турувчи орган, мансабдор шахс ёки бошқа иш бўйича чиқарилган суднинг қарори билан бекор қилиниши ёхуд ҳақиқий эмас деб топилишини тушуниш лозим.

19. Иш юқори инстанция судининг иш юритувида бўлган вақтда суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб чиқиш ҳақида судга ариза келиб тушса, тегишлича юқори инстанция суди МСИЮтК 99-моддасининг 1-бандига мувофиқ шикоятни кўриб чиқишни суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш натижалари олингунга қадар тўхтатиб туради ва ишни ариза келиб тушган инстанция судига юборади.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолат бўйича бекор қилинса, юқори инстанция суди МСИЮтК 214-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 238-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 266²-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда шикоят бўйича иш юритишни тугатади.

20. Тушунтирилсинки, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

21. Юқори инстанция суди томонидан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрим МСИЮтК 269-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги сабабли бекор қилинган тақдирда, аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган суд ҳужжати бекор қилинади ва иш тегишли инстанция судига мазмунан кўриш учун юборилади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим бекор қилинган ва аризани рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда, юқори инстанция суди томонидан айтилган вақтда мазкур иш бўйича кейинчалик қабул қилинган янги суд ҳужжати ҳам, унга нисбатан шикоят (протест) берилган ёки берилмаганлигидан қатъий назар, бекор қилинади.

22. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари суд ҳужжатини янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориш ва бундай аризалар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**



Б. Исламов

Н. Хакимова